



Мотуридия мазхабининг Ўрта осие ва бошка ўлкаларга кенг ёйилишига хизмат килган асарлардан бири Сўфи Аллохёр бобомизнинг "Саботул ожизийн" асаридир.

"Саботул ожизийн", яъни "ожизлар матонати" маъносини англатувчи ушбу асар акоид илмига багишланган бўлиб ўзбек тилида ёзилган. Асарда араб ва форс тилидаги сўзлардан ҳам кенг фойдаланилган. Бу эса асар ёзилган вақтда мазкур тиллар ҳам омма халкка яхши таниш бўлганидан дарак беради.

Муаллиф бу асарини "Маслакул муттакийн" китобини ёзиб оммага такдим килганидан кейин таълиф килган. Форс тилида ёзилган "Маслакул муттакийн" асари яхши қабул қилиниб халқ орасида машхур бўлиб кетгач муаллифнинг яқин кишилари уни ўзбек тилига ўгириб беришини сўрашади. Бу ҳақида Сўфи Аллохёрнинг ўзи шундай ёзган: Ёзилди форсий тил бирла мактуб,

Акийдату фуруъ курби махбуб.

"Яъни махбуб зотга муқарраб бўлиш мажмуъаси бўлган акийда ва унга таъаллуқли фаръий масалалар аввалда форс тилида ёзилган эди" .

Аниким кўрдилар туркий ёронлар,

Дедилар: "Гар дуо қилса эранлар.

Битилса турки тил бирла акийда,

Кўнгуллар бўлса андин орамийда".

Яъни форс тилида ёзилган мазкур китобни кўрган форс тилини билмайдиган туркий дўстлар: улугларнинг дуоларини олиб ҳаракат қилсангиз ва акийда китобини туркий тилда ёзиб берсангиз. Туркий халқлар ҳам ундан баҳра олиб кўнгиллари таскин топса, дедилар. Мазкур сўровлар каттик илтимослар билан бўлгани шундай баён қилинган:

Тамаллук қилдилар чун бир неча ёр

Қалам тортай Худо бўлсун мадақкор.

Яъни бир қанча дўсларим каттик туриб илтимос қилдилар ва мен уларнинг илтимосларини қабул қилиб Аллохдан мадад сўраб қалам тортдим.

"Саботул ожизийн" асари ўқувчилар томонидан жуда ҳам яхши қабул қилинган. Бу асар ўтган уч юз йилдан ортиқ вақт мобайнида мактаб мадрасаларда дарслик, кўлланма сифатида ўқитиб келинган. Халқимиз орасида алоҳида "Оллохёрхонлик" кечалари ўтказилиши, унинг байтлари ҳатто оддий халқ тилларида ёддан ўқиб юрилишининг ўзи унинг манзур бўлганига ва халқ кўнглидан жой олган муҳим асар эканига яққол далилдир. Шунинг учун ҳам бу асар турли даврларда кўплаб давлатларда қайта-қайта нашр қилинган:

Тошкентда 1882, 1884, 1905, 1915 йилларда, Қўқонда 1890 йилда, Когонда 1910 йилда, Тошкентда яна 1991, 2007 йилларда қайта нашр қилинган.

Булардан ташқари "Саботул ожизийн" асари Покистон, Хиндистон, Эрон, Ироқ,

Афғонистон, Татаристон, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Хитой, Венгрия ва Россия давлатларида ҳам нашр этилган.

"Саботул ожизийн" асарининг сакланаётган нусхалари орасида турли тафовутлар мавжуддир. Шунга кўра Ўзбекистонда таникли олим Рашид Зоҳид томонидан 94 кўлёзма ва 61 тошбосма матнларини ўзаро киёслаб асарнинг энг ишончли матни таёрланган. Бу матн хозирда нашр этилган.

Табийки "Саботул ожизийн" асари кўлма-кўл ўтиб ўкиб юриладиган машхур асар бўлганидан унга кўплаб шархлар ёзилган. Хозирча бизга маълум бўлган шархлар куйидагилардир:

1. Тожуддин Ёлчикул ўгли "Рисолаи Азиза шарху "Саботул ожизийн". Бу шарх 1835 йилда "Козонда, 2000 йил Ўзбекистонда нашр этилган.
2. Салоиддин ибн Ровил Салимий Козоний "Иршодул ʼзоизийн". Бу шарх 1911 йилда Козонда нашр этилган. Ушбу асарнинг тошбосма нусхаси Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтида 9320 раками остида сакланмоқда.
3. Саййид Хабибуллох ибн Саййид Яхёхон Фаргоний, Кобулий "Хидаятут толибийн шарху "Саботул ожизийн Сўфи Аллоҳёр". Бу шарх 1928 йилда Покистонда, 2009 йилда Тошкентда нашр этилган.
4. Шайх Муҳаммад Саъийд Туркистоний "Саботул ожизийн шархи". Бу шарх Дамашқдаги "Тараккиёт" матбаасида 1967 йилда нашр этилган.
5. Тўра хўжа ибн мулла Сорий хўжа Ўзгандий "Шарху саботул ожизийн". Бу шарх араб тилида ёзилган. Ўзбек тилидаги асарни араб тилида шархлаганининг сабаблари хақида муаллиф куйидагиларни ёзган:

.....
.....
.....
.....
.....

"Халил (соллаллоху алайхи васаллам) миллатининг чирोगи, комил шайхга нисбат берилган "Саботул ожизийн" китоби толиби илмлар кўлларида кўлма-кўл бўлган, кўплаб насихатлар ва латиф сўзларни ўзида жамлаган, улугвор араб тилидаги ҳамда ёкимли тиллар бўлган форс ва туркий тиллардаги сўзлар билан битилган китоб бўлгани учун баъзи дўстлар бу заиф бандадан ушбу китобнинг тилини баён қилиб берадиган, ундан ирода қилинган маъноларини очиб берадиган шарх ёзишни илтимос қилдилар. Мен бу китобни араб тилида шархладим. Чунки араб тили баёни очик-ойдин бўлган ва Куръон нозил бўлган тилдир...(қискартириб олинди)" .

Араб тилида ёзилган ушбу шархнинг кўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида 1427 ракам остида сакланмоқда.

"Сўфи Аллоҳёр" номи билан ҳам машхур бўлган "Саботул ожизийн" асари сўзларининг киска ва лўндалиги ҳамда кўплаб маъноларга далолат қилиши билан ажралиб туради. Устозлардан бири бу асарни "Саботул ожизийн магзи Куръондир", дея таърифлаган. Шунга кўра Куръон оятларининг тафсирлари ва хадиси шарифларни яхши ўрганмасдан туриб бу асардаги кўзланган маъноларни тўлик англаб бўлмайди. Асарда ахли сунна вал жамоанинг эътиқодий қарашлари ўзбек тилида назмий услубда баён этилган. Шу сабабли далиллар келтирилмасдан улардан қелиб чиккан хулосалар назмга терилган. Бу хақида муаллифнинг ўзи куйидагича ёзган:

Ақийда сўзларин қилдим исбот

Анга кўйдим "Саботул - ожизийн" от.

Яъни ушбу китобда акоид масалаларини туркий ўзбек тилида баён килдим ва унга "Саботул ожизийн" (ожизлар матонати) деб ном кўйдим.

Асарда акоид илмини ўрганиш зарурлиги шундай баён килинган:

Акийда билмаган шайтона элдур

Агар минг йил амал деб килса елдур

Яъни зарурий акоидни билмаган кишилар хар канча ибодат килсалар хам соф акийдани билмаганлари сабабли килган ибодатлари уларга наф бермайди.

"Саботул ожизийн" асарини мотуридия мазхабидаги энг мўътабар матнлардан бири Нажмиддин Насафийнинг "Акоидун Насафия" матни асосида ёзилган дейиш мумкин.

Маълумки мотуридия ва ашъария мазхаблари орасидаги ихтилофли масалалардан бири иймоннинг зиёда ва камайиши жоиз ё жоиз эмаслиги тўғрисидаги масаладир. "Саботул ожизийн" асарида ушбу масала мотуридия таълимотига асосан шундай баён килинган:

Якин билгилки иймон бўлмагай кам,

Эрур бирдек, зиёда бўлмагай хам .

Яъни ҳеч бир шаксиз билгинки иймон зиёда ва кам бўлмайди. Ушбу караш "Акоиду Насафия" асаридаги куйидаги матнга мос келади:

□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□

Иймон зиёда бўлмайди, камаймайди хам .

Иймоннинг зиёда ва кам бўлмаслиги асардаги "Иймоннинг баёни" бобида шархлаб тушунтирилган:

Амал килмокдин ахли истифода

Дедилар: "Нури иймондур зиёда".

Ва гар на бўлмас иймон зойиду кам

Акида булдур, эй фарзанди одам .

Яъни ахли илмлар амал килиш билан иймоннинг нури зиёда бўлади, аммо иймоннинг ўзи асло зиёда ва кам бўлмайди, деганлар.

Шунингдек иймон махлук ё махлук эмаслиги тўғрисидаги масала хам мотуридия мазхабига кўра баён килинган:

Яна иймонда айди ахли тахкик:

"Худодиндур хидоят бирла тавфик".

Худонинг феъли ул махлук эмасдур,

Киши харгиз ани махлук демасдур .

"Яъни иймон бахсида мохир бўлган мухаккик олимлар айтдиларки, хидоят ва тавфик бериш – Аллохнинг Ўзидандир. Бу икки нарсани бандалар касб килиб топа олмайдилар. Булар Худонинг фазлидандир. Худойи тоалонинг феъли махлук эмасдир. Шунинг учун тавфик ва хидоят махлук бўлмайди" .

Ушбу масала хакида Абу Шакур Мухаммад ибн Абдуллох Солимий Кеший куйидагиларни ёзган: " Мендан бир киши иймон хакида, яъни унинг махлук ёки махлук эмаслиги хакида сўради. Ундан иймон нима, деб сўрасам, у бунга" Ла илаха иллаллох" деб жавоб берди. Бу махлук эмас, дедим. Ундан бошка бир киши мендан ушбу саволни сўраганида, ундан хам иймон нима деб сўрадим. У тил билан иқрор бўлиш ва калб билан тасдиқлаш, деди. Бу махлук, дедим" .

Демак мотуридия ва ашъария мазхаблари орасидаги мазкур масаладаги фарк иймонга икки хил таъриф берилишидан келиб чиқкан ва "Саботул ожизийн" асарида бу масала мотуридия мазхабига кўра баён килинган.

Таквийн сифати хакида ҳам мотуридия ва ашъария мазхаблари орасида ихтилофли карашлар бор. Бу хакида мотуридия мазхабидаги энг мўътабар китоблардан бири бўлган "Акоидун Насафий"да шундай дейилган:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□

Таквийн Аллох таолонинг азалий сифатидир .

Ашъария мазхабида эса "таквийн" ходис деб каралган ва унинг ходислиги шундай далил келтирилган: "таквийн" азалий бўлганида "мукавван"нинг мавжудлиги ҳам унга азалда боғланган бўларди. Агар мукавваннинг борлиги азалда боғланганида мукавван ҳам азалда бор бўлган дейиш вожиб бўлиб қолган бўлар эди. Чунки "Таквийн" бўлгану лекин "мукавван" бўлмаган дейиш худди зарба бўлгану лекин зарба урилган нарса бўлмаган дейишга ўхшаб қолади. Бу эса муҳол нарсадир" . Шунинг учун таквийнни ходис деб эътикод қилишимиз керак.

Мотуридийлар бу карашларига шундай жавоб берганлар: Агар феълий сифатлар ходис бўлганида Аллох таолонинг зоти азалда бу сифатлардан холи бўлиб, сўнгра улар билан сифатланган бўлар эди. Бу нарса эса У зотда ўзгариш бўлганига далолат қилиб қолади. У зотда ўзгариш бўлиши эса мумкин эмасдир. Шунинг учун "таквийн" қадимдир, у тааллук топадиган нарса яъни мукавван ходисдир, деб эътикод қилишимиз керак, деганлар. "Саботул ожизийн"да "таквийн" сифати борасидаги ушбу ихтилофли масала шундай баён қилинган:

Субутидур анинг саккиз сифоти

Сифоти зоти эрмас, на гойри зоти

Хаёту, илму, кудрат ҳам басар, самъ,

Иродаву, калом, таквиндур, эй шамъ .

Яъни саккизта сифат субутий бўлиб, улар Аллох таолонинг зотининг айни ҳам эмас, зотидан бошқа ҳам эмасдир. Кейинги байтда мазкур саккизта сифат бирма-бир саналган. Байт охирида келган "эй шамъ" сўзи "эй чирогим" яъни "эй болагинам" маъносида ишлатилган.

Мазкур саккизта сифат хакида Жамолиддин Аҳмад Газнавий Ханафийнинг (ваф. Х 593 й.) "Усулуд дин" китобини таҳкик қилган доктор Умар Вафийк Даъук шундай ёзган:

"маъоний сифатлар куйидагилардир: Кудрат, ирода, илм, хаёт, басор, самъ ва калом.

Мотуридийлар таквийнни саккизинчи сифат қилиб қўшганлар" .

"Саботул ожизийн" асарида ақидавий масалалар билан биргаликда жамиятдаги бидъат хурофотлардан ҳам огоҳ бўлишга чақирилган:

Бу умматлар ажаб зишт этти холин

Ёпар бидъат билан суннат жамолин.

Матнда келган "зишт" калимаси форсча сўз бўлиб, "ёмон", "беўхшов", "разил" каби маъноларни англатади. Байтнинг маъноси шуки Мухаммад алайхиссаломнинг умматиман деб туриб турли ношаръий ишларни содир этаётганлар ва у зотнинг суннатларини бидъат пардаси билан ёпаётган кимсалар ҳам бор. Буларнинг қилмишларидан ҳазир бўлинглар.

Шунингдек асарда меҳрибон отанинг фарзандига насихат қилиши тимсолида турли панду насихатлар ҳам баён қилинган:

Яраткон Тангрига қилгил таваккул

Тамаъ қилма кишидин биргина пул.

Яъни сен доимо сени йўқдан бор қилган Зотга таваккул қилгин. Хеч қимдан асло таъма қилмагин.

Уруглигман дема, тонгла уруг бор

Хисобу, номаву, вазну, сўруг бор.

Матнда уруг калимаси икки хил маънода, биринчиси насаб маъносида, иккинчиси зарба маъносида ишлатилган. Матннинг маъноси шуки: насл-насабинг билан мактаниб юрма, чунки эрта киёмат кунида уруг яъни аламли зарбалар бор. У зарбалар олдида сенинг насабингнинг заррача киймати йўқдир. Шундай экан насабинг билан фахрланиб юрмагинда, хисоб-китоб килиниш учун, номанг ўнг тарафдан берилиши учун, амалларинг ўлчанишига савобларингни кўпайтириш учун дунёда килган хар бир ишинга жавоб беришни хис килган холда амал килгин.

Хулоса килиб айтганда уч минг мисрадан ортик хажмдаги "Саботул ожизийн" асари эътикодий масалаларни мотуридия таълимоти асосида баён килган хамда одоб-ахлоқ ва турли панду насихатлар жамланган мўътабар манзумадир. Шунга кўра ушбу илмий мероснинг мазмун-мохиятини шархлаб ўқувчиларга тақдим этиш мотуридия мазхабини яхши тушунишга хамда жамият тараккиётининг асосий омили бўлган иймон эътикодди ва одоб ахлокли шахсларни тарбиялашга хизмат киладиган мухим кўлланма бўлади.

Оламлар Роббисига хамду санолар, пайгамбаримиз Мухаммад мустафога салавот ва саломлар бўлсин.

Абдулқодир Абдур Рахим